

ҚАРШИ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ

Э Ё Л О Н И

Танлаш ўтказиш шакли:

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги мазкур эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси:

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети:

Қарши тумани Бешкент шаҳри бош лойихаси (Мастер режа) лойиха ҳужжатлари тайёрлаш.

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:

200 000 000 (икки юз миллион) сўм. Лойиха ҳужжатларини тайёрлаш муддати шартнома имзолангандан сўнг 15 кунгача

Молиялаштириш манбаи ва валютаси:

Бюджет маблағлари. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари:

Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:

Исломов Илхом. Тел: 916341508. Қарши тумани, Ўзбекистон мустақиллиги МФЙ, Нурабод кўча №41/2 уй

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:

Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар махсус ахборот парталининг "etender.uzex.uz" харид тизими (электрон манзили) бўйича қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади; таклифларни таъминлаш учун иштирокчининг товар хом ашё биржасидаги махсус ҳисоб рақамида зақалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предмети бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағи бўлиши шарт

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси ҳисобчиси



Д. Даминов

Н. Зиятова

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи  Д. Даминов

М.Ў



ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Қарши тумани Бешкент шаҳри бош лойихаси (Мастер режа) лойиха ҳужжатлари тайёрлаш

ШХР: 100022860102247065200110003.

Харажат коди: 42 99 990

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги мазкур эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Қарши тумани Бешкент шаҳри бош лойихаси (Мастер режа) лойиха ҳужжатлари тайёрлаш.
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:	200 000 000 (икки юз миллион) сўм. Лойиха ҳужжатларини тайёрлаш муддати шартнома имзолангандан сўнг 15 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Бюджет маблағлари. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Исломов Илхом. Тел: 916341508. Қарши тумани, Ўзбекистон мустақиллиги МФЙ, Нурабод кўча №41/2 уй
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар махсус ахборот порталининг "etender.uzex.uz" харид тизими (электрон манзили) бўйича қабул қилинади.
Танловда иштирок этиш шарти	Танловда иштирок этадиган талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. -Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари); -Танлов иштирокчиси томонидан, танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлари; Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закатат ёки банк қафолатининг мавжудлиги; - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибасига оид ҳужжатлар. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш; -Танлов иштирокчисининг салоҳиятини белгиловчи ҳужжатлар; - Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси, ходимлар малакаси ва ўртача сони бўйича кўрсаткичлар; (Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот порталида жойлаштирадilar).

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида ҳужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча ҳужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт. Ҳужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча маълумотлар аниқ кўришиб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт. Ёлғон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади. Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этишлари шарт. Ҳужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси Тех назоратчиси

И. Исломов

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси ҳисобчиси

Н. Зиятова

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан, Қарши тумани "Бешкент шахри бош лойихаси" (Мастер режа) лойиха ишчи ҳужжатлари тайёрлашхизматлари бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномалари

МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ Р Ё Й Х А Т И

1	Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза
2	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси
3	Кафолат хати, талабнома, танлашда иштирок этиш манзилли танлаш таклифи
4	Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).
5	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, аудиторлик хулосаси, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари ва бошқа мавжуд ҳужжатлар
6	Молиявий ҳисоботлар (ташки аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда)
7	Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ҳодимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар
8	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси. Банк маълумотлари
9	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза

ИЗОХ: Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи



Д. Даминов

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси Тех назоратчиси

И. Исломов

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси ҳисобчиси

Н. Зиятова

“Тасдиқлайман”
Қашқадарё вилояти
Қарши тумани ҳокимлиги
хузуридаги Обдонлаштириш
бошқармаси Бошлиғи
Д.Даминов.
12.10.2022й.

Қарши туман Бешкент шаҳрининг бош лойиҳаси (мастер режа) ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини жалб этишда энг яхши таклифни танлаш бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Қашқадарё вилояти, Қарши тумани ҳокимлиги хузуридаги Обдонлаштириш бошқармаси

Буюртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши тумани Обдонлаштириш бошқармаси биноси

Буюртмачи реквизитлари: Банк ҳисоб рақами 2340 2000 3001 0000 1010 Банк номи Тошкент шаҳар Марказий банк, МФО 00014, СТИР 206808289, ОКЭД

Энг яхши таклифларни танлаш мавзуси: Қарши туман Бешкент шаҳрининг бош лойиҳаси (мастер режа) ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини жалб этишда энг яхши таклифни танлаш

Харид қилишнинг максимал қиймати (ҚҚС билан): 200 000 000 (Икки юз миллион) сўм.

Молиялаштириш манбаи: Маҳаллий бюджет.

Тўлов ва потаси: маҳаллий танлов иштирокчилари учун - Ўзбекистон сўм (ЎЗС);

Тўлов шартлари ва бошқа муҳим шартлар шартнома лойиҳасида кўрсатилган.

Энг яхши таклифларни танлаш орқали харидда иштирок этиш учун аризининг амал қилиш муддати камида 5 (беш) календар кун бўлиши керак.

Умумий қоидалар

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича ушбу танлов ҳужжатлари (бундан буён матнда ҳужжатлар деб юритилади) буюртмачи томонидан электрон шаклда энг яхши таклифларни танлаб харид қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу ҳужжатларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

харид шартномаси - амалдаги қонунчиликка мувофиқ буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида тузилган шартнома;

харид - буюртмачи томонидан ушбу харид ҳужжатларининг муқаддимасида кўрсатилган ишларни бажариш;

энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид ҳужжатлари - танлов иштирокчисига энг яхши таклифларни танлаш орқали харидда иштирок этиш учун ариза тайёрлаш учун тақдим этиладиган ва харид шартлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар;

харид комиссияси - харид қилиш тартиб - таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларини сарҳисоб қилиш, харид қилиш ҳолибини аниқлаш ва шартнома бериш мақсадида Давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатбардош усуллари ҳисобга олинган ҳолда тузилган коллегиал орган;

харид комиссияси ва/ёки баҳолаш гуруҳи аъзосининг манфаатлар тўқнашуви - харид комиссияси аъзоси ва/ёки баҳолаш гуруҳининг шахсий манфаатлари харид комиссияси қарорларини қабул қилишда унинг иштирокининг ҳолислигига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолат;

давлат харидлари электрон тизими оператори (кейинги ўринларда оператор деб юритилади) - Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан белгиланадиган давлат харидлари субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-

таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган махсус ваколатли юридик шахс;

баҳолаш гуруҳи - харид комиссияси томонидан ташкил этиладиган, харид ҳужжатлари мувофиқлиги ва танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича тавсиялар тайёрлашда иштирок этадиган коллегиял орган;

шахсий кабинет - давлат харидлари субъектларига электрон давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, зарур маълумотларни жойлаштириш ёки олиш учун тақдим этиладиган махсус ахборот порталидаги шахсий саҳифа;

етказиб берувчи - танлов натижалари бўйича ғолиб томонидан аниқланган, у билан харид шартномаси тузилган иштирокчи;

ҳисоб-китоб клиринг палатаси (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) - операторнинг таркибий бўлинмаси бўлиб, у шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларга аванс тўловларини депозит қилиш ва ҳисобга олиш орқали электрон харидларга киришни таъминлайди;

танлов иштирокчиси - Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлиб, харид қилиш тартиб-таомилларида харидларнинг бажарилишига даъвогар сифатида иштирок этади.

давлат харидларининг электрон тизими (кейинги ўринларда электрон тизим деб юритилади) - давлат харидлари субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник эчимларнинг дастурий комплекси, электрон давлат харидлари жараёнида харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш;

электрон давлат харидлари-давлат харидлари субъектлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали давлат харидларини амалга ошириш шакли.

Электрон танловларда иштирок этиш учун электрон тизимда рўйхатдан ўтиш

Электрон танловда иштирок этиш учун иштирокчи сайтда рўйхатдан ўтади **e-tender.uzex.uz** иштирокчининг анкетасини порталда электрон шаклда тўлдириш орқали (мижоз тури, шахсий маълумотлар, алоқа маълумотлари).

Иштирокчиларни электрон савдога қабул қилиш қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилади:

- шартнома тузиш ҳуқуқи;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги;
- уларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг йўқлиги;
- виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзув йўқлиги.

Иштирокчи сўровномада унга нисбатан киритилган банкротлик тартиб-таомилларининг йўқлиги, шунингдек солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди.

Анкетани тўлдиргандан сўнг, электрон тизим инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини иштирокчи тўғрисида ёзув йўқлиги фактини аниқлаш учун текширади.

Буюртмачилар ва иштирокчилар электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон танловда иштирок этадилар (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади). Буюртмачилар ва иштирокчиларнинг ЭРИ-дан фойдаланишлари электрон тизимда тузилган шартноманинг ҳақиқийлигини тан олиш учун асосдир.

Электрон тизим автоматик режимда амалга оширилади:

- аванс тўлови суммасига мувофиқ хар бир лот учун электрон харидларга қабул қилиш;

- электрон харидларни амалга ошириш;
- электрон харидлар натижалари бўйича ижрочини аниқлаш;
- битимни рўйхатдан ўтказиш.

Харид ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш шартлари

Электрон танлов иштирокчиси буюртмачига очик электрон чат орқали харид ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун сўров юбориш, танлов бўйича таклифлар бериш муддати тугагунга қадар икки иш кунидан кечиктирмай юбориш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида буюртмачи очик электрон чат орқали харид ҳужжатлари қоидаларини тушунтиришни юбориши шарт, агар ушбу сўров

буюртмачига таклифларни тақдим этиш муддати тугагунга қадар икки иш кунидан кечиктирмай келиб тушган бўлса.

Харид ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби ва муддатлари

Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар буюртмачи томонидан харидда иштирок этиш учун аризалар энг яхши таклифларни танлаш йўли билан тақдим этилгунга қадар 1 (бир) иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади. Шу билан бирга, энг яхши таклифларни танлаб харид қилишда иштирок этиш учун аризаларни тақдим этиш муддати камида 3 (уч) иш куни билан узайтирилади. Харид ҳужжатларини ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек харидда иштирок этиш учун аризаларни тақдим этишнинг ўзгартирилган санаси танлов иштирокчиларига юборилади.

Электрон танловда иштирок этиш учун аризаларни тақдим этиш

Иштирокчи танлов шартлари билан батафсил танишгандан сўнг, тизимдаги шахсий кабинети орқали электрон танловда иштирок этиш учун ариза топширади, керакли маълумотларни тўлдиради ва тасдиқловчи ҳужжатларни "умумий маълумот" саҳифасида, "товарлар ва хизматлар", "талаблар" бўлимларида шаблонларга мувофиқ файллар шаклида юклаб олади.

Иштирокчи электрон тизимнинг барча майдонларини тўлдириши керак ва иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг таклифида кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак.

Электрон тизим иштирокчининг таклиф этилган нархининг бошлангич нархига мувофиқлигини, электрон майдонларни тўлдиришни ва бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Агар иштирокчи таклиф этган нарх бошлангич нархдан ошса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар ёки тўлиқ бириктирилган файллар мавжуд бўлса, тизим рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади.

Электрон тизим томонидан таклифларни қабул қилиш эълон қилинган эълонда кўрсатилган муддат ва муддат тугаши билан тўхтатилади.

Танлов иштирокчиси энг яхши таклифларни танлаб харид қилишда иштирок этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади. Харидор (харид комиссияси) савдо натижаларидан қатъи назар, ушбу харажатларни қоплаш мажбуриятини олмайди.

Танлов иштирокчиси битта харид учун фақат битта аризани топшириши мумкин. Агар танлов иштирокчиси битта харид учун биттадан ортиқ ариза топширса, унинг иштирокидаги барча аризалар рад этилади.

Харидда иштирок этиш учун аризанинг мазмуни

Аризада техник-тижорат таклифи, шунингдек ушбу харид ҳужжатларининг 1-иловасида келтирилган ҳужжатлар ва тўлдириш шакллари бўлиши керак.

Танлов иштирокчиси аризада ишончсиз маълумотларни тақдим этиш учун жавобгардир.

Аризани тайёрлаш ва тақдим этиш тилига қўйиладиган талаблар

Ариза Давлат тилида тузилади, Агар иштирокчининг давлат тилида ариза бериш имконияти бўлмаса, рус тилида ариза беришга рухсат берилади. Бунда ариза бошқа тилда тузилган ҳужжатларни ўз ичига олиши мумкин, агар уларга ўзбек ёки рус тилларига аниқ таржима илова қилинса.

Техник-тижорат таклифининг мазмуни ва валютасига қўйиладиган талаблар

Иштирокчининг техник-тижорат таклифи барча мажбурий реквизитлар кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак: компаниянинг номи, юридик манзили, тин, банк тафсилотлари, алоқа маълумотлари, раҳбарнинг имзоси, корхона муҳри.

Таклифнинг тижорат қисмида қуйидагилар бўлиши керак: бажариладиган ишларнинг шартлари, нархи, тўлов шартлари, муддатлари.

Ишлаб чиқарувчининг авторизацияси

Авторизация хати ишлаб чиқарувчининг расмий бланкида мажбурий сана, алоқа маълумотлари, ваколатли шахснинг лавозими ва фамилияси билан расмийлаштирилиши керак. Бундай ҳолда, авторизация хатида қуйидагилар кўрсатилиши керак: хизмат кўрсатувчининг тўлиқ номи, бажарадиган ишлар рўйхат.

Аризани бекор қилиш

Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун аризаларни топширишнинг охириги муддати тугаганидан кейин аризани бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Аризаларни очини

Харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда электрон тизим комиссия котибига иштирокчилар томонидан жойлаштирилган аризалар ва электрон ҳужжатларга автоматик равишда кириш ҳуқуқини беради.

Харид комиссияси котиби илова қилинган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг аризасида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади.

Аризаларни кўриб чиқиш ва такқослаш тартиби

Аризалар потентсиал етказиб берувчиларнинг дастлабки малакаси бўйича комиссия (агар керак бўлса) ва баҳолаш гуруҳи томонидан ушбу харид ҳужжатларининг 1-бандининг талабларига мувофиқлиги учун кўриб чиқилади.

Аризаларни кўриб чиқишда харид комиссияси ва / ёки баҳолаш гуруҳи аъзолари ҳақли:

танлов иштирокчиларидан аризаларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва такқослаш учун зарур бўлган материаллар ва тушунтиришларни талаб қилади.

аризалардаги маълумотларни аниқлаштириш учун тегишли давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслардан зарур маълумотларни талаб қилиниши мумкин.

Харид комиссияси потентсиал етказиб берувчиларнинг (агар керак бўлса) ва баҳолаш гуруҳининг (протокол шаклида) дастлабки малакаси бўйича комиссия тавсиялари асосида аризани рад этишга ҳақлидир:

буюртма предметининг харид ҳужжатларида кўрсатилган харид предметига номувофиқлиги, шу жумладан бажариладиган ишларга номувофиқлиги;

танлов иштирокчисининг техник-тижорат таклифининг мижознинг баҳолаш мезонларига мос келмаслиги;

мижоз эътироз билдирадиган шартнома лойиҳасига ўзгартиришлар киритиш учун танлов иштирокчисининг таклифлари;

танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган аризада нотўғри маълумотларни аниқлаш;

иштирокчининг рақобатга қарши ҳаракатлари ёки танлов иштирокчисининг мижоз билан ва/ёки унга алоқадор шахслар билан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумот мавжудлиги;

таъсисчилар бир хил юридик ёки жисмоний шахслар бўлган икки ёки ундан ортиқ иштирокчиларни танлашда иштирок этиш;

битта харид учун бир нечта ариза бериш;

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган танлов иштирокчисининг иштироқи;

энг яхши таклифларни танлаш учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этманг;

виждонсиз етказиб берувчиларнинг ягона реестрида бўлган иштирокчининг иштироқи.

Иштирокчининг таклифининг ушбу қарорнинг сабабларини кўрсатган ҳолда талабларга мос келмаслиги тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган кундаги иштирокчининг шахсий кабинетиде акс эттирилади.

Танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 29.01.2021 йилдаги 41-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикасига олиб киришнинг вақтинча тақиқланиши учун таклиф этилган позитсияларнинг спетсификацияси тн феа кодлари позитсион равишда ишлаб чиқилиши керак.

Хулоса қилиш

Энг яхши таклифларни танлаш натижалари харид комиссияси баённомасида расмийлаштирилади.

Баҳолаш гуруҳининг тавсияси харид натижалари тўғрисидаги протоколга илова ҳисобланади.

Баҳолаш гуруҳи сотиб олиш учун аризаларни тасдиқланган баҳолаш мезонларига қатъий мувофиқ равишда баҳолайди (2-илова).

Баҳолаш гуруҳининг таклифлари ва тавсияларини баҳолаш натижаси баҳолаш гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланган баҳолаш гуруҳининг протоколида акс эттирилади.

Энг яхши таклифларни танлаш, агар харид комиссияси танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган иштирокчилардан камида иккита таклифни олган бўлса, ўтказилган деб тан олинади.

Рўйхатга олиш кунндаги баённома давлат харидларининг электрон порталида эълон қилинади ва 2 (икки) иш куни тугаганидан кейин танлов натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган тақдирда ғолибга унинг аризасини танловда ғолиб деб топганлиги тўғрисида хабарнома юборилади.

Шартнома тузиш тартиби

Электрон танлов натижаларига кўра шартнома сотиб олиш ҳужжатларида кўрсатилган шартнома лойиҳасига мувофиқ тузилади ва танлов ғолиби томонидан таклиф этилган нарх, шунингдек шартнома лойиҳасининг бошқа шартлари бўлиши керак.

Харид қилиш шартномаси харид натижалари тўғрисидаги протоколда кўрсатилган муддатларда, лекин протокол имзоланган кундан бошлаб **10 (ўн)** календар кундан кечиктирмай тузилади.

Танлов ҳужжатларининг иловалари

Танлов ҳужжатларининг иловалари унинг ажралмас қисмидир. Ҳужжатлар иловаларида кўрсатилган шартлардан фойдаланиш ёки талқин қилишга танлов ҳужжатларининг бошқа шартларини ҳисобга олмасдан йўл қўйилмайди.

- 1-илова Мажбурий шакллар ва ҳужжатлар рўйхати;
- 2-илова Танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари;
- 3-илова Техник топшириқлар;
- 4-илова Шартнома лойиҳаси.

Комиссия азолари:

Комиссия раиси



Турсунов Матёқуб

Комиссия азолари:



Тошев Шерзод



Мухторов Бахтиёр




Исломов Илхом



Хасанов Илхом

Котиб



Панжиев Нурмухаммад

**Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун зарур бўлган
Мажбурий ҳужжатлар ва шакллар
РҲҲАТИ**

- 1.Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун ариза (1 шакл).
- 2.Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумотлар (ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган юридик шахнинг тўлиқ номи; рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтган сана, рўйхатдан ўтказган санаси, рўйхатдан ўтказган органнинг номи); юридик манзили; алоқа телефони, факс, эл.-почта; асосий фаолиятнинг тўлиқ банк реквизитлари, таъсисчилар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар) (2 шакл).
- 3.Юридик шахнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (кайта рўйхатдан ўтказилганлиги) тўғрисидаги гувоҳнома ёки гувоҳноманинг нусхаси.
- 4.Лойиҳа ташкилоти лойиҳа ишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлиши керак.
- 5.Коррупциянинг олдини олиш бўйича танлов иштирокчисининг аризаси (3 шакл).
6. Манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот(4шакл)
- 7.Солиқ, асосий ва қўшимча ҳисоб варақлар бўйича 2-сонли кредит картада, шунингдек, банк кредитлари ва йиғимларни тўлаш бўйича қарзнинг йўқлиги (ДСИ ва банкдан маълумотнома).
- 8.Охирги уч йил давомида шунга ўхшаш объектларда бажарилган лойиҳа ишлар бўйича маълумотлар (шартномалар ёки лойиҳа ишини топшириш далолатномалари).
- 9.Танлов иштирокчисининг ишлаётган ва штат бирлигидабўлган (камида 30 нафар) ходимлари(ЛБМлар, бош архитекторлар, муҳандис коммуникациялари ва технологиялари бўйича муҳандислар ва х.к.) тўғрисида маълумотлар (маълумоти, иш тажрибаси, эгаллаган лавозими, эгаллагви лавозимидаги иш тажрибаси ва my.gov.uz меҳнат дафтарчасидан кўчирма QR коди билан илова қилинади).
- 10.Танлов иштирокчисинингбалансида мавжуд бўлган моддий-техник база ва лойиҳалаш учун фойдаланадиган дастурий маҳсулотлар тўғрисида маълумотлар (компьютер техникалар, нусха кучириш, плоттерлар, дастурлар ва х.к.) тасдиқловчи ҳужжатлари (ҳисоб фактура) билан.
- 11.Охирги 2 йил учун молиявий ҳисобот ёки ушбу ҳужжатлар эълон қилинган расмий маълумот манбасига ҳавола (бухгалтерия баланси, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқими тўғрисидаги ҳисобот, ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот, эслатмалар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар).
- 12.Танлов иштирокчисининг кайта ташкил этиш (ажралиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмаслиги, Буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмаслиги, солиқ қарзи ва бошқа мажбурий тўловлари йўқлигини, шунингдек, мол-мулкка нисбатан ҳибса олинмаганлиги ва илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида қафолат хати.

Изоҳ: Юқоридаги кўрсатилган мажбурий ҳужжатлар сўралган маълумотлар, талаблар ва шаклларга мувофиқ тақдим этилмаганда иштирокчи иштирокчи таклифи рад этилади.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

Танлов иштирокчилари танловда қатнашиши мумкин эмас:

- белгиланган муддатда зарур ҳужжатларни тақдим этмаган;
- лойиҳа ишларини амалга ошириш учун лицензия тақдим этмаган;
- қайта ташкил этиш (ажралиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- мулки олиб қўйилган;
- илгари тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаган;
- "Буюртмачи" билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзлари мавжуд бўлган;
- таъсис ҳужжатлари, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий, ҳуқуқий ёки молиявий қарамликка эга бўлган;
- танлов эълон қилинган кунда иштирокчининг ташкил этилганига 1 йил тўлмаганда;
- эълон қилинган танлов мавзуси бўйича иш тажрибасига эга бўлмаган;